2019 йил 8 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 23 (13.870)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислоҳотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги** (кейинги ўринларда – Вазирлик) ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитен, шунингдек, йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги **ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

Вазирлик транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, лицензия ва рухсатномалар бериш, сертификатлаштириш, самарали техник ва тариф сиёсатини амалга ошириш йўли орқали **давлат томонидан тартибга солиш вазифасини** амалга оширади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

3. **Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш;

транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек, соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш;

халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илғор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш;

транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек, темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Автомобиль йўллари қўмитаси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Фуқаро авиацияси агентлиги** этиб қайта ташкил этган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги **Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси** этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг **Ўзбекистон кемачилик регистри**;

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5647-сонли Фармонига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 152 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳудудий бўлинмалари ва давлат бошқаруви органлари ходимларининг чекланган сони 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси бошқарув ходимларининг чекланган сони 68 нафардан иборат тузилмаси 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*(Давоми 2-бетда)*

## “ЮКСАЛИШ” УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ: БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАМИЗ!

***Пойтахтимиздаги “Hyatt Regency Tashkent” меҳмонхонасида “Давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг миллий устувор вазифалари ва истиқболлари” мавзусида фуқаролик ташаббуслари форуми бўлиб ўтди. Форум доирасида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг расмий тақдимоти ўтказилди.***

Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, мутасадди вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда халқаро ташкилотлар экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари А.Тошқулов ва бошқалар мамлакатимизни ҳар соҳада тараққий эттиришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Тадбир фуқаролик жамияти ривожига тўсиқ бўлаётган энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан ўзаро ҳамкорликда таклифлар тайёрлаш, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштиришга қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.

Форумда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг мақсад ва вазифалари, фаолият йўналишларининг расмий тақдимоти ўтказилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантиришдаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур фармонга мувофиқ, “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати – нодавлат нотижорат ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

Халқ ва бизнес ҳамжамияти билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, бизнес ва академик доира, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар вакиллари билан тадқиқотлар ўтказиш режалаштирилган, шу жумладан, давлат дастурларида назарда тутилган ислоҳотларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш, фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташаббусларини ўрганиш ва қўллаб-қувватлаш умуммиллий ҳаракатнинг энг асосий фаолият йўналишларидан ҳисобланади. Шунингдек, кенг жамоатчиликнинг фикрларини, таклифларини ўрганиб боради. Ушбу таклифларни умумлаштиради ҳамда Давлат дастурлари лойиҳаларида акс эттирилишига кўмаклашади.

*(Давоми 3-бетда)*

Ҳаракатлар стратегияси 2017-2021

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**

***Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги кичик саноат зонаси ҳудудида замонавий баннер матолари ва тентларини ишлаб чиқариш бўйича илк “Infinity business trade” корхонаси иш бошлади. Ушбу корхона қатор саноат маҳсулотлари ва инновацион композит материалларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имконини беради.***



## БАННЕР МАТОСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг инвестициялар ва туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ф.Умаровнинг сўзларига қараганда, ҳозирги кунда туманнинг иқтисодий ва саноат салоҳиятини рўёбга чиқариш учун сайёҳлик инфратузилмаси ҳамда саноатнинг қатор тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган бир қанча истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Кичик саноат зонаси ҳудуд саноат секторида алоҳида ўринга эга бўлиб, бу ерда 53 корхона фаолият юритади. Айни пайтда 22 цех ва завод тўлақонли ишламоқда. “Infinity business trade” шулардан бири.

– Баннер матоси тежамкор ташқи ва интерьер рекламасида қўлланиладиган энг кенг тарқалган материаллардан биридир, – дейди корхона директори И.Турсунов. – У мамлакатимизда нафақат реклама баннерлари учун, балки қурилиш ва бозор учун ҳам ишлаб чиқарилади. Корхонамиз турли қалинликдаги баннер матолари ва тентларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Биз кенг турдаги ассортимент ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, энди 0,8 миллиметр қалинликдаги энг юпқа ҳамда қалинлиги 1,5 миллиметр бўлган энг қалин матоларни ҳам ишлаб чиқаришимиз мумкин. Заводимизнинг ишлаб чиқариш қуввати ойига уч миллион квадрат метр баннер матосини ташкил этади.

Маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган маҳаллий хом ашё ҳажмини ошириш “Infinity business trade” масъулияти чекланган жамиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида 30 фоиз маҳалий хом ашё ишлатилаётган бўлса, кейинги йилдан бошлаб аксарият импорт компонентларини маҳаллийларига алмаштириш режалаштирилган. Бу корхонага импорт хом ашёсини етказиб беришни қисқартириш ва ҳар йили 4 миллион АҚШ долларигача маблағни тежаш имконини беради.

Компания бир пайтнинг ўзида хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни ривожлантиради ва ташқи бозорларни эгаллаб боради. Бу борада ҳозирги кунда корхона маҳсулотларига қизиқиш билдирган қозоқ, тожик шериклар билан музокаралар олиб борилмоқда ҳамда Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон бозорларига чиқиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Айни пайтда компания раҳбарияти фақат баннер матоси ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмоқчи эмас. Корхонада электр кабеллари ва полиэстер иплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли “Пачкамар” дала-ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари учун навбатдаги амалий машғулотлар ташкил этилди. Ўтказилган машқларда асосий эътибор ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳини юксалтиришга қаратилди.**

**• Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида Халқаро меҳнат ташкилотининг 150 йиллик юбилейига бағишлаб, “ХМТга юз йил: ижтимоий адолатни қўллаб-қувватлаш, муносиб меҳнатни ривожлантириш” мавзуида XXXII Халқаро Плеханов ўқишлари ташкил этилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Германиянинг Штутгарт шаҳрида Франциядан ўрнак олган ҳолда “сариқ нимча”лиларнинг норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Намойишга чиққанлар Дюссельдорф ва Штутгарт шаҳарларида дизель двигателли автомашиналар ҳаракатини тақиқлашни тўхтатиш лозимлигини талаб қилмоқдалар. Намойишчилар ўз норозиликларини бутун мамлакат миқёсига олиб чиқишга ҳаракат қилишларини таъкидламоқдалар.**

**• Жанубий Кореянинг Чхонан шаҳридаги 21 қаватли меҳмонхонада чиққан ёнғин натижасида 20 га яқин киши жабрланди. Уларнинг барчаси тутундан заҳарланган ҳолда касалхоналарга ётқизилди. Икки нафар қутқарувчига ҳам ёрдам кўрсатилди. Ҳозирда ёнғин сабаблари аниқланмоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг **Ихтисослаштирилган филиалини** (кейинги ўринларда – Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

*(Давоми 2, 3-бетларда)*

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

*• Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ижтимоий-иқтисодий ва экология кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

*• Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга доир йиғилиш ўтказилди.*

*• Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Томчи” мобиль иловаси танловининг биринчи босқич ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.*

*• Тошкент архитектура-қурилиш институтида биринчи талабалар коворкинг маркази ташкил этилди. Унда талабалар қизиқарли архитектура лойиҳалари устида ишлашлари, мустақил ёки гуруҳ билан бирга тажриба алмашиш ва ўз ғояларини ривожлантиришлари, жамоат ишлари билан шуғулланишлари мумкин.*

*• Яқинда қуриб фойдаланишга топширилган пойтахтимиздаги “Ice City” муз аренасида хоккей бўйича мустақил Ўзбекистон тарихида илк маротаба Ўзбекистон чемпионати старт олди.*

*• Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида “Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш” мавзусида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **“Ўзаэронавигация” маркази**;

иловага мувофиқ илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа ташкилотлар, фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинган ҳолда, Вазирлик ихтиёрига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар Транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаменти тугатилсин.

5. **Қуйидаги вазифа, функция ва ваколатлар Вазирликка ўтказилсин:**

а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қуйидаги соҳалардаги:

кемаларни рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш), кемаларни қуриш, фойдаланиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашга гувоҳномалар бериш;

кемаларга кема гувоҳномаси ва билетлари, таснифлаш гувоҳномалари, сузиш учун мувофиқлик гувоҳномалари ва кемасозликни тартибга солувчи қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатларни бериш;

б) “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг қуйидаги соҳалардаги:

темир йўл транспортини ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш, темир йўл транспорти истиқболли прогнозлари, ривожлантириш ва объектларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида тариф ва транзит сиёсатни амалга ошириш, темир йўл транспортининг ўтказиш ва ташиш қобилиятини ошириш, темир йўл транспорти хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

саноат корхоналари ҳаракатдаги таркибларининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларига чиқиши учун рухсатномалар бериш;

темир йўл йўлаклари, шунингдек, вагон ва контейнерларни юклаш, тушириш ва тозалашга мўлжалланган ускуналарни қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиш.

6. Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафардан ташкил топган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази** ташкил этилсин.

7. Вазирлик Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалари, шунингдек, мазкур Фармонга мувофиқ ўтказилаётган бошқа ваколатлари борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

8. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар барча турдаги транспортларнинг оптимал ва мувозанатлашган ўзаро алоқасини назарда тутувчи, умумқабул қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларини инобатга олган ҳолда “Транспорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг логистика самарадорлиги бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш чораларини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача транспортни ривожлантириш концепциясини** ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 1 февраль*

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тузилмасига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари **юқори малакали мутахассисларини**, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ва экспертларни **консультантлар сифатида жалб этиш**;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директори, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг, Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқларининг ўринбосарлари уларнинг раҳбарлари тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазири ва унинг ўринбосари – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари – вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликларини шакллантириш Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги штат бирликлари, Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Вазирликка ўтказилаётган илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари ва штат бирлигини оптималлаштириш ҳисобидан амалга оширилади;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги ПҚ–2722-сонли “Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсунувидаги давлат бошқаруви органларининг таъминоти харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси негизида, маблағларининг шакллантириш манбалари сақланган ҳолда, юридик шахс ташкил этмасдан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Шаҳар, шаҳардан ташқари, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташишни амалга ошириш учун лицензия бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришдан тушадиган давлат божи маблағларининг 40 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши белгилансин.

Вазирлик Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни, унинг маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаларини белгилаган ҳолда тасдиқлаш;

Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Вазирлик ва унинг идоравий ташкилотлари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 200 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча моддий рағбатлантириш тартиби.

5. Вазирлик Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда мазкур қарор талабларини инобатга олган ҳолда, Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда тартибга солиш функцияларини истисно қилиш, инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, рақобат муҳитини шакллантириш ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташишда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари – Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун тенг шароитларни яратиш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида таълим, ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда Вазирлик тизимига кирувчи тижорат тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

уч ой муддатда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг давлат ва тижорат функцияларини ажратишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

6. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари тугатилаётганлиги муносабати билан бўшаётган бино ва хоналарга Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда 2019 йилда Вазирликнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Вазирликни таъминлаш харажатлари учун зарур бўлган бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг жами 21 та, шу жумладан, 19 та шахсий бириктирилган, шундан 14 таси Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари учун, хизмат автомобиллари таъминоти учун лимит белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирликни телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Вазирлик:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика ахборотларини тарқатиш мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сонли қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низом лойиҳасини;

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг транспорт соҳасидаги такрорланувчи вазифалари, функциялари, ваколатлари ва тузилмаларини тугатиш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 1 февраль*

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини таълим беришнинг модул тизими асосида ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

таълим олувчиларнинг аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консультатив таъминлаш;

юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Тошкент давлат юридик университетининг таркибий бўлинмаси – юридик шахс мақомига эга олий таълим муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳри ва бланкларига, мустақил балансига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ҳисобрақамларга эга бўлади;

Филиалга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Филиал директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, директор ўринбосарлари эса – Тошкент давлат юридик университети проректорларига тенглаштирилади.

4. Қуйидагилар:

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали тузилмаси 1-иловага;

**Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалининг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича “Йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Филиал директорига Тошкент давлат юридик университети ректори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Филиал тузилмасига ходимларнинг белгиланган штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки:

Филиалда **“ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш” соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш** кундузги таълим шаклида бакалавриатнинг махсус уч йиллик дастури бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда **“ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш” мутахассислиги бўйича олий ноюридик маълумотга эга бўлган кадрларни қайта тайёрлаш** кундузги таълим шаклида махсус олти ойлик дастур бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш давлат грантлари асосида амалга оширилади;

Филиал бакалавриатига қабул квотаси йилига 255 кишини, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса – ҳар олти ойда 50 кишини ташкил этади;

Адлия вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг буюртмаларига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Филиалга қабул квоталарини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқи берилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан алоҳида шахсларни юридик кадрларни тайёрлаш дастурлари бўйича белгиланган квоталар (давлат грантлари)дан ташқари Филиалда ўқитиш учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилади;

Филиал дипломининг мавжудлиги ички ишлар органларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус касбий тайёргарликни ўтмасдан, “лейтенант” махсус унвони берилган ҳолда хизматга қабул қилиш учун асос бўлади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

бакалавриат дастури бўйича Филиалга қабул танлов асосида амалга оширилади;

Филиалга қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондони тавсиялари асосида олий ноюридик маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига ўрнатилган қабул квоталари доирасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан белгиланадиган алоҳида квоталар бўйича Филиалга ўқишга кириш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этадиган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг тавсиялари берилиши мумкин;

Филиалда ўқишни тамомлаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида камида 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини оладилар;

Филиал суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлик тартибида ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этиш ҳуқуқига эга;

Тошкент давлат юридик университети фаолиятини тартибга солувчи нормалар, агар қонунчилик ёки университет қарорлари билан бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Филиал фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

7. Филиалнинг Васийлик кенгаши 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки, Васийлик кенгаши Филиалнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашади, жумладан:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш учун Филиалнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

Филиалнинг педагог ва бошқа ходимларининг меҳнат шароитлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича чораларни кўради;

олий юридик таълимнинг ривожланишига кўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни, илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этишда қўллаб-қувватлашни амалга оширади;

ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шериклик келишувлари тузилиши ва уларни рўёбга чиқаришда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига кўмаклашади.

8. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Филиалда таълим олиш учун тўланган маблағлар;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институти грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал таъминоти учун бюджет маблағлари 2019 йилда Адлия вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ижтимоий соҳа учун тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларидан ишга қабул қилинган Филиал ходимларига олдинги иш жойидаги барча устама ва қўшимча тўловлар, тиббий хизмат кўрсатишнинг имтиёз ва шартлари уларни тегишли органнинг амалдаги кадрлар захирасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказган ҳолда сақлаб қолинади;

Филиалнинг ходимларига Тошкент давлат юридик университетининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари татбиқ этилади;

*(Давоми 3-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-2-бетларда)*

Филиал ходимларига мартаба даражалари ва узоқ йиллик хизмати учун устама ва қўшимча тўловлар тўлаш бўйича харажатларни бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражалари қонунчиликда белгиланган тартибда берилади;

ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажарган Филиал ходимларига директор буйруғи асосида Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

Филиал ходимларига тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамаларни тўлаш учун маблағлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ажратилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Филиални беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қулоқтепа кўчаси, 9-уйда жойлашган бино ва иншоотларида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар ҳудудларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент давлат юридик университетининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш юзасидан таклифларни киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Миллий гвардияси билан биргаликда икки ой муддатда Жиззах политехника институти негизида мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти ички ишлар органларининг олий ноюридик маълумотга эга бўлган ходимларини қайта тайёрлаш сайёр курсларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси билан биргаликда Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмагида икки ой муддатда чет эл ўқув марказлари ва таълим муассасаларига танишув сафарларини ташкил этишни назарда тутган ҳолда пойтахт ҳудудининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги илғор хорижий тажрибанинг ўрганилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокими белгиланган тартибда Филиал бино ва иншоотларининг замонавий талаблар асосида реконструкция қилинишини ҳамда юклатилган вазифаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим олувчиларнинг яшашини инобатга олган ҳолда унинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган мебель, ўқув-лаборатория ва криминалистик ускуналар, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

13. Филиалга иккита енгил, шу жумладан, битта шахсан бириктирилган автотранспорт воситаси таъминоти учун лимит белгилансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А.Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 7 февраль*

**9 февраль – Алишер Навоий таваллуди куни**

# "ХАМСА" ҲАЙРАТЛАРИ...

***Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўз "Хамса"сини туркий тилда ёзган. У "Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасиға панжа урмоқ", деб устоз шоирнинг буюк салоҳиятини эътироф этади.***



Шунингдек, Алишер Навоий деярли барча асарларида, айниқса "Хамса"нинг ҳар бир достонида, "Насоим ул муҳаббат..." асарида устоз шоирларга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан таъриф ва тавсиф беради.

Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонининг ўн иккинчи бобини Шайх Низомий ва Амир Хусрав Деҳлавий мадҳига бағишлайди. Навбатдаги бобда Абдураҳмон Жомий васф этилади. Унда ҳикоя қилинишича, устоз Жомий ва Навоий ўртасида Низомий билан Хусрав устида сўз кетади. Бу икки достонга жавобан Абдураҳмон Жомий "Туҳфат ул-аҳрор"ни ёзди. Ундан қаттиқ таъсирланган, илҳом олган Навоий улар ҳаммаси бу йўлдан юрган экан, мен ҳам бир неча қадам юриб кўрсам қандай бўларкан? Улар ахир ўз асарларини форсча ёздилар, мен эса туркий тил билан бошласам...

***Йўлласа, бу йўлда Низомий йўлум,***
***Қўлласа, Хусрав била Жомий қўлум*** –

деб умид қилиб, "Ҳайрат ул-аброр" достонини ёза бошлайди.

Алишер Навоий "Хамса"сининг фалсафий-тарбиявий мазмундаги биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр" ҳам мумтоз адабиёт анъаналарига мувофиқ тарзда бошланади. Бу бобнинг сарлавҳаси қуйидагича: "Ҳазрати шайхи Низомий мадҳидаким, назм мулкида зўр бозу сар паржаси била "Панж ганж" нуқуди жавоҳирин олди ва Амир Хусрав таърифидаким, бу жавоҳир ва нуқуд тамаъидин панжа анинг панжасига солди". Бу жумлада ҳар иккала буюк шоир икки зўр курашчи сифатида тасвирланган.

Низомий беш хазинадаги гавҳару зарларни ўзининг кучли билакларини ишга солиб йиғиштириб олди. Яъни ўз "Хамса"сини битди. Амир Хусрав Деҳлавий эса бу бойликларни тортиб олмоқ мақсадида унинг панжасига панжа солди. Яъни у билан ижодий мусобақага киришди. Бу ҳар иккала кучли истеъдод соҳибининг ўзаро тортишувидан инсоният маданияти ютиб чиқди. Чунки икки шоҳ асар – Низомий "Хамса"си ва Хусрав Деҳлавий "Хамса"си юзага келди. Лекин Навоий ўша натижани сарлавҳада баён этмайди. Унда иккала улуғ сиймо ўртасидаги мусобақа тўғрисидагина сўз боради. Бу сўзнинг бадиий либоси панж ганж, ундаги қимматбаҳо бойликлар билан боғлиқ.

"Ҳайрат ул-аброр"нинг XIV, XV боблари сўз таърифи ва унинг маънолари ҳақидадир.

***Сўз гуҳарига эрур онча шараф,***
***Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.***

***Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,***
***Етти фалак ахтарининг буржи у.***

Сўз шундай қимматбаҳо гавҳардурки, унинг баҳоси йўқ, бу дурга гавҳар ҳам садаф бўла олмайди.

Алишер Навоий Абулғозий Султон Ҳусайн Баҳодирхон мадҳини қилади.

***Қайси шаҳ ул хусрави олампаноҳ,***
***Оламу одам анга мулку сипоҳ...***

***Қуллуғи хонларға келиб фарзи айн,***
***Хонлару шаҳлар шаҳи Султон Ҳусайн.***

Ҳар икки подшоҳнинг бу алломалар ҳаёти ва ижодида муҳим ўрин тутгани кундай равшан.

Навоий ҳар бир фикрни ғоят гўзал бадиий либосда, чиройли ўхшатишлар, ўринли муболағалар, ташбеҳли қиёслар билан келтиришга жуда моҳир. У инсонни улуғлар экан, бу улуғлик албатта унинг кўнгли билан боғлиқ эканлигини, чунки кўнгил ўзида бир бутун жаҳонни акс эттириш имкониятига эга эканини таъкидлайди. Унинг чегараси йўқ, қамрови кенг. Зеро, бу кенглик, дунё гўзалликлари инсон учун муҳайё этилгандир.

Навоий ўз асарларида шоҳларнинг адолатпарварлигини, халқпарварлигини улуғлайди, зулмкорлигини қоралайди, уларни халққа ғамхўр бўлмоққа чақиради. Элу юрт, мамлакатнинг ободлиги адолат туфайли амалга оширилиши, шу боис улар адолат билан иш тутмоғи зарур эканлигини таъкидлайди.

Шоир эътиборни кўп қаратган гўзал туйғулар ватанпарварлик ҳисси билан ҳам чамбарчас боғланган. Низомий Ганжавий она юрти Ганжани қанчалик улуғласа, Навоий Хуросоннинг юраги Ҳиротни шунчалик кўкларга кўтаради. Демак, халққа, элга, юртга муҳаббат энг олийжаноб туйғулардир. Ватанга муҳаббат инсонга ризқ берувчи заминга, унга ато этилган неъматларга шукроналикдан келиб чиқади. Бу эса сидқ ила хизмат этишга, садоқатга олиб келади.

Инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқий баркамоллик, адолат, тинчлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат, гўзалликка, бор неъматларга шукроналик ҳисси Навоий ижодининг бош ғоясидир.

Унинг асарлари бир шаклда тузилган, бир вазн ва бир тартибда, фалсафий, ахлоқий ва ғоявий жиҳатдан бир-бирини тўлдиради.

Бугунги кунда буюк мутафаккирнинг асарлари асрлар оша мудом мутолаа этилмоқда. Бу ноёб дурдоналардан дунё аҳли ҳам баҳраманд бўлишлиги учун уни турли тилларга таржима қилиш ишлари ҳали ҳам давом этмоқда. Шу тариқа мазкур асарлар бутун олам аҳлига Шарқ маданияти ва маънавиятидан дарак бериб боради.

**Маъмура РАШИДОВА,**
**Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди**

***Навоийшунослик Алишер Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган яна бир қўлёзма билан бойиди. Шоир ихлосмандлари томонидан 1481 йили оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб учун кўчирилган шеърлар мажмуаси мавжудлиги аниқланди.***

# "СУЛТОН ЯЪҚУБ САЙЛАНМАСИ" ШЕЪРЛАР МАЖМУАСИ ТОПИЛДИ

Алишер Навоий қаламига мансуб қуйидаги байт ҳаммамизга маълум:

***Олибмен тахти фармонимға осон,***
***Черик чекмай Хитодин то Хуросон.***
***Хуросон демаким, Шерозу Табрез,***
***Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.***

Айни байтда Навоий фахр билан қайд этгани – унинг асарлари довруғи Шерозу Табризгача етиб боргани шунчаки гап эмаслиги 2012 йили ўз тасдиғини топган эди. Ўшанда 1471 йили Оққўюнлилар салтанати марказларидан Шерозда, Халил Султон саройида Алишер Навоийнинг "Оққўюнли мухлислар девони" навоийшуносликка маълум қилинди. Навоийнинг ижоди кўлами муносабати билан Шерозни ёд этиши асосли экани тасдиғини топди. Энди эса Навоий юқоридаги шеърида қайд этган "Шерозу Табриз" бежиз эмаслигига яна бир бор далил бор. 885/1480-81 йили Табриз томонларда кўчирилган Алишер Навоий шеърларига эга тўплам аниқланди. Мазкур тўпламга Навоийнинг бир неча шеъри киритилган бўлиб, Оққўюнлилар ҳукмдори Султон Яъқуб буюртмасига кўра тузилган. Бу ҳукмдор 1478-1490 йиллари сулола тахтида ҳукм сурган. Табриз шаҳри эса кўп вақт мобайнида Оққўюнлилар пойтахти бўлган.

Қўлёзма сўнггида котиб шундай деб ёзган: "Тамм ал-ашҳоб биъавни малик ул-ваҳҳоб ъала яд ил-ъабд уз-заъийф ал-муҳтож ила роҳматиллаҳил-ғаний Абдурраҳим ал-Яъқубий саттароллоҳу уюбаҳу ва ғафароллоҳу зунубаҳу, санаи хамсу ва саманийн ва самон миа бил-хайри". Яъни, "Бу парчалар малик ва ваҳҳоб бўлган Аллоҳнинг изни ила Бой парвардигорининг раҳматига муҳтож ва ожиз банда Абдураҳим ал-Яъқубийнинг қўли билан, Аллоҳ хатоларини бекитиб, гуноҳларини мағфират қилсин, 885 ҳижрий санада, яхшилик билан тамомланди".

Алишер Навоий шеърлари кирган мазкур тўпламни шартли тарзда "Султон Яъқуб сайланмаси" деб аташ мумкин. Нега? Гап шундаки, у тайёрланган вақтда айни ҳукмдор тахтда ўтирарди ва Абдураҳим Хоразмий ўзи кўчирган қўлёзмаларда "Яъқубий" тахаллусини қўлларди.

Икки оғиз Алишер Навоий ва Султон Яъқуб муносабатлари ҳақида. Навоий Султон Яъқуб билан дўстона муносабатларда бўлган. Навоий "Мажолисун нафоис" тазкирасида Султон Яъқуб ҳақида маълумот бериб, уни мақтайди ҳамда форс тилидаги шеърларини мазкур асарининг еттинчи мажлисида келтиради:

"Яъқуб Мирзо – туркман салотинида анингдек писандида зотлиғ ва ҳамида сифотлиғ йигит оз бўлғай. Дарвешсифат ва фонийваш эрди. Бу рубоий анингдурким:

***Оламки, дар у сабот кам мебинам,***
***Дар ҳар тарабаш ҳазор ғам мебинам,***
***Чун кўҳна работестки, аз ҳартарафаш***
***Роҳе ба биёбони адам мебинам".***

Ҳусайн Бойқаро даври маданий муҳитининг машҳур тарихчиси Ғиёсиддин Хондамир (1475-1536) ўзининг "Ҳабибус-сияр" (1524 йили тугалланган) асарида Навоий ва Султон Яъқубга алоқадор воқеани эсга олади: бир куни Навоий Султон Яъқубга Абдураҳмон Жомий куллиётини юборишга қарор қилибди. Жомийнинг китоби муқовасини бошқа унга ўхшаши билан адаштирган кутубхоначи элчига бошқа китобни топширибди. Бу элчи ўзининг олимлиги билан мақтанмоқчи бўлганида маълум бўлибди. Султон Яъқуб элчидан "йўлда зерикмадингизми", – деб сўраганида, у ўзи билан зерикишга ўрин қолдирмайдиган ҳамроҳ – Навоий томонидан Султонга совға сифатида юборилган Жомий асарларини йўлда мутолаа қилиб келганини айтибди. Султон Яъқуб бу китобни кўришни истабди. Шунда элчи ўзи билан бошқа китобни келтиргани маълум бўлибди. Бу айби туфайли элчи Навоий назаридан четда қолибди.

Демак, Навоийнинг бевосита Оққўюнли ҳукмдор Султон Яъқуб билан муносабатлари бўлган. "Султон Яъқуб сайланмаси" – Оққўюнли ҳукмдор томонидан Алишер Навоий томонига ташланган қадам.

Хўш, "Султон Яъқуб сайланмаси" таркиби қандай? Аввало, шуни таъкидлаш керакки, бизнинг қўлимизда мазкур тўплам қўлёзмасининг борйўғи беш саҳифаси мавжуд. Ҳамма гап шундаки, айни мажмуа хорижда шахсий кутубхонада сақланади ва унинг тўлиқ таркиби тўғрисида маълумотга эга эмасмиз. Билганимиз, қўлёзма антиқа буюмлар савдоси билан шуғулланувчи Сотебис аукционида сотилган ва ўшанда 12 варақли бўлган. Бизга бундан-да камроғи маълум – кичик қўлёзманинг олти саҳифаси нусхасини қўлга киритишга муваффақ бўла олдик, холос. Унда турли ҳажмда ўнта шеърий бўлак келтирилган ва улар ҳам ҳамма пайт тўлиқ эмас. Мана шу парчаларга қараб фикр юритишга тўғри келади.

Эндиликда "Султон Яъқуб сайланмаси" аниқланиши муносабати билан Навоий девонлари яратилиш даври аниқлилиги даражаси масаласини чуқурроқ ўрганишга имкон яратилади.

Қўлёзма тили ҳақида. Маълумки, оққўюнлилар даврида адабий асарлар ўғуз туркчаси ва форсий тилда битилган. Шу боис, мазкур сайланмада Навоий шеърларидаги айрим сўзлар айнан ўғуз лаҳжасига ўгирилгани (масалан: топқасен-допасен учун-ичун, бўлурмен-ўлурам), айрим сўзлар ҳатто бутунлай бошқасига алмаштирилганини (масалан: янглиғ-нисбат, эмасдагил, ийнак-ишта) кўриш мумкин. Ёдингизда бўлса, "Оққўюнли мухлислар девони"да ҳам худди шундай ўғузлаштириш унсулари мавжуд эди. Икки шеърий мажмуани ҳам бир шахс – Абдураҳим Хоразмий-Яъқубий кўчирганини ҳисобга олсак, бу тушунарли ҳодиса ҳамда алоҳида мавзу.

"Оққўюнли мухлислар девони" ҳам, "Султон Яъқуб сайланмаси" ҳам айнан бир киши – Абдураҳим Хоразмий-Анисий-Яъқубий томонидан 10 йиллик даврий тафовут билан кўчирилган. Афтидан, бу хаттот "Султон Яъқуб сайланмаси"да "Оққўюнли мухлислар девони" матнидан фойдаланиб, ундаги ўзига манзур бўлган байтлардан тўплам яратган бўлиши ҳам мумкин.

Шу ўринда 1508 йили Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил томонидан тартиб берилган "Туҳфат ус-салотин" ("Султонларнинг туҳфаси") номли тўпламни эслаш ўринли. Матншунос олим Порсо Шамсиев маълумотига кўра, мазкур тўпламни яратишда Абдулжамил сайланма асарлар ёки терма девонлар тузишга қараганда анча мураккаб вазифани бажарган: Навоий ғазалларини кўчириб, улардаги шоҳбайтларни танлаб олиб, тўплам тузган. "Султон Яъқуб сайланмаси" ҳам айни ҳукмдор учун Навоий шеърларидан танлаб олинган ва шоир яшаган давр – XV асрга хос шоҳбайтлар мажмуаси сифатида аҳамиятли.

"Султон Яъқуб сайланмаси"нинг қўлимиздаги нусхасига асосланадиган бўлсак, ундаги шеърларнинг барчаси "Хазойин ул-маоний"нинг бизга яхши маълум бўлган Тошкент нашрида учрайди. Афсуски, қўлёзманинг барча саҳифалари қўлимизда мавжуд бўлмагани туфайли бу ҳақда узил-кесил фикр билдириш имконига эга эмасмиз. Нима бўлганда ҳам, мазкур қўлёзма Алишер Навоийнинг тириклик пайтида кўчирилган нодир манба сифатида навоийшунослик учун қадрлидир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**тадқиқотчи**

## "ЮКСАЛИШ" УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИ:

# БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАМИЗ!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати фаолиятининг асосий вазифаси Давлат дастурида режалаштирилган ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, фуқаролар, бизнес ҳамжамиятлари, академик доира вакиллари, хорижда яшаётган ватандошлар билан нодавлат нотижорат ташкилотларини ихтиёрийлик асосида бирлаштиришдир, – дейди "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати раиси Акмал Бурҳонов. – Ташкилот жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйишда, миллий, минтақавий ва халқаро миқёсда ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш масалалари бўйича ташаббусларни илгари суришда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда нафақат маҳаллий ҳамкорлар, балки хорижий ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун бугунги форум доирасида учта халқаро ташкилот билан ҳамкорлик меморандумларини имзоладик. Шу билан бирга, бир қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдик.

Қайд этилганидек, "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати "Минтақавий мулоқот" халқаро ноҳукумат ташкилоти билан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича лойиҳаларни амалга оширади. Қозоғистоннинг "АРГО" фуқаролик жамиятини ривожлантириш ассоциацияси билан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, ННТларнинг салоҳиятини ошириш, мамлакатимизда ташкил этилаётган давлат идоралари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятига кўмаклашиш асосий мақсад қилиб олинган. Бундан ташқари, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма билан ҳамкорликда фуқароларни амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор қилиш, жамоатчилик мониторингининг тизимли механизмларини йўлга қўйиш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Ушбу умуммиллий ҳаракатга аъзо бўлиш бепул ва ихтиёрийлик асосида бўлади. Унга барча фуқаролар, шунингдек, хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар, ННТ, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам аъзо бўлиши мумкин. Аъзоликни енгиллаштириш мақсадида махсус портал яратилган.

– "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати билан ҳамкорлик Меморандумини имзоладик, – дейди Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Томас Кунце. – Биз мазкур умуммиллий ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари, фаолиятини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Шуни таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг роли тобора ортиб бормоқда. Бу, ўйлайманки, ҳамкорликдаги фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади.

Форумнинг иккинчи қисмида Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган тадбирларни ҳаётга татбиқ этишда ННТлар, фуқаролик жамияти институтлари ва фаоллари иштирокини ошириш масалалари муҳокама этилди. Жумладан, ННТлар ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари, давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш борасидаги халқаро тажриба хусусида фикр алмашилди.

**Нурилло НАСРИЕВ**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АЙРИМ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ЯНГИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"-ги (Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 111-модда), Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4944-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 69-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 48-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 107-модда) талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши ва туман ҳокимликларининг айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ва янги маҳалла фуқаролар йиғинларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳудудий чегараларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига янги ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинлар рўйхати ва уларнинг номлари 1-иловага, бўлиниши ҳисобига ташкил этилаётган маҳалла фуқаролар йиғини чегаралари тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинлари сони 508 та деб ҳисоблансин.

4. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудига ўзгартириш киритилган туман ҳокимликлари ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Ф.Махмудхўжаев):

янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғинларининг тўлиқ шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин.

ҳудудларга ўзгартириш киритилган маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилсин.

5. Тошкент шаҳар Молия Бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

янги ташкил этилган маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун зарур маблағларни маҳаллий бюджетдан белгиланган тартибда ажратиш чоралари кўрилсин.

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Ф.Махмудхўжаев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ғ.Расулов), Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов): мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий, ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Шукуров зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари**
**Т.Матибаев**

*2019 йил 12 январь*

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ**
"Тошкент оқшоми" газетасининг 28.01.2019 йилдаги № 16 (13.863) сонида чоп этилган эълондаги "Тақачи кўчаси, 119-уйда жойлашган" жумласи "Тақачи кўчаси, 199-уйда жойлашган" – деб ўқилсин.

Бектемир тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 12.04.2017 йилда № 506991 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтган "NADEJDA BIZNES" МЧЖ (СТИР 304825267) почта манзили: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Водник мавзеси, 61-уй, 8-хонадон. Таъсисчининг 07.02.2019 йилдаги № 2-сонли қарорига асосан
**ТУГАТИЛАДИ**
Даъво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой ичида қуйидаги телефон (99) 850-61-08 орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти, Паркент туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1996-1997 ўқув йилида Тўрабоев Собир Қобилович номига берилган ўрта маълумотлилик тўғрисидаги 077808 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# Жума оқшомида

## Кўргазмалар

### ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

***Пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат санъат музейида "Ипаклари тиллодан – безаклари сержило" деб номланган кўргазмада музей фондидан танлаб олинган энг сара зардўзлик чопонлари, заргарлик ва каштачилик намуналари намойиш этилмоқда.***

Кўргазмада 30 дан ортиқ зардўзлик йўналишида яратилган чопонлар, зардўзи белбоғлар, этиклар ва ковушлар, 25 дан ортиқ заргарлик буюмларидан билакузук, тиллақош, зебигардон, тумор ва турли хил аёллар тақинчоқлари тақдим этилган.

Экспозициядан ўрин олган маданий меросимиз намуналари бизга тарихимизни эслатади. Манбаларда ёзилишича машҳур зардўзлик марказлари бўлган Бухоро ва Хитойда XVII-XIX асрларда зардўзларнинг махсус маҳаллалари бўлган. Зардўзлик устахоналаридаги усталар тикувчи зардўзларга иш берган, буюртмаларни ўз вақтида бажарилиши ҳамда ишни сифатли чиқишини назорат қилганлар.

XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёда бадиий ҳунармандчилик ривожланиши билан бир қаторда заргарлик санъати ҳам ривожланган. Жумладан Қўқон, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент, Андижон, Урганч, Нурота, Китоб, Чуст, Ғиждувон, Марғилон ва бошқа шаҳарларда уста заргарлар бўлиб, улар махсус маҳалла-маҳалла бўлиб яшаганлар.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Билиб қўйган яхши

### ОРГАНИЗМДАГИ ИНФЕКЦИЯЛАРНИ БИР ТОМЧИ ҚОН ОРҚАЛИ АНИҚЛАШ МУМКИН

АҚШ генетиклари барча 307 турдаги бактериологик патогенлар ва уларнинг барча хавфли турларининг изларини қон томчисида аниқлай оладиган "универсал" тестни яратди.

Олимларнинг маълум қилишича, янги ишланма тасдиқланса, у шифокорларга барча маълум патоген микробларнинг изларини, шу жумладан, АҚШда ўлимнинг уч асосий сабабларидан бири бўлган қон зарарланиши "айбдорларини" тез ва жуда аниқ излашга имкон беради.

Бу технология анъанавий усуллардан кўра минг марта кучлироқ сезиш имкониятига эга.

### КЎРИЧАКНИ ОЛИБ ТАШЛАШНИНГ КУТИЛМАГАН ФОЙДАСИ...

Халқаро олимлар гуруҳи кўричакнинг олиб ташланиши Паркинсон хасталиги ривожланишини тўхтатишига амалда воқиф бўлишди.

Улар ўз тадқиқотлари давомида Швецияда яшовчи 1,6 миллион кишининг тиббий варақаларини, кейин эса организмини алоҳида текширувдан ўтказишди. Маълум бўлдики, кўричак кўр ичакдаги қуртсимон ўсимта бўлиб, олиб ташланмаган тақдирда инсон марказий асаб тизимига салбий таъсир ўтказган ҳолда Паркинсон хасталиги ривожланишини таъминлаб беради.

Олиб ташлангач эса одам организмига Паркинсон хасталиги хавф солиши 20 фоизга камаяди. Бу кейинги 6-7 йил ичида хасталик организмга умуман яқинлашмайди деганидир.

**Н.ЖАЛИЛОВА тайёрлади**



## Маънавият

### ТЕАТР – ҲАЁТ КЎЗГУСИ

***Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси театр арбоблари уюшмаси билан ҳамкорликда бир қанча самарали ишлар амалга оширилмоқда.***

Тошкент шаҳридаги театрларда қўйилаётган спектаклларнинг тарбиявий аҳамияти, ёшлар камолотидаги ўрни, қўлга киритилаётган ютуқ ва йўл қўйилаётган камчиликлар ҳамда истиқболдаги мақсад ва режаларига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар шулар жумласидандир.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Ўзбек миллий академик драма театрида очилган "Маърифат" кутубхонаси ва унга тақдим этилган 1000га яқин турли номдаги китоблар театр жамоасининг ижодий изланишларида муҳим аҳамият касб этади.

### ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ

***Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига асосан "Хожа Баҳоуддин Нақшбанд" ҳамда "Ўзбекистон – Ислом цивилизацияси маркази" номли ҳужжатли фильмларнинг тақдимот маросими ўтказилди.***

Султонмурод Олимов сценарийси асосида Александр Гамиров режиссёрлигида суратга олинган "Хожа Баҳоуддин Нақшбанд" номли 2-қисмли фильмда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва унинг маънавий мероси ҳақида ҳикоя қилинади.

Хожимурод Валиев томонидан ишланган "Ўзбекистон – Ислом цивилизацияси маркази" номли ҳужжатли фильм эса, Ўрта Осиё олимларининг ислом тарихида тутган ўрни ва уларнинг ҳадис, тафсир, калом, фиқҳ, тасаввуф каби диний билимлар ривожига қўшган ҳиссаси ҳақидадир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

### МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ ХАЙРЛИДИР

**Ишончини йўқотган – қувончини йўқотган.**

* * *

**Бировдан таъма қилиш муттаҳамлик.**

* * *

**Мақсад фақат манфаатдан иборат бўлмаслиги керак.**

* * *

**Совуқ гап вужудингни музлатади.**

* * *

**Ҳаётда ҳамма нарса ҳисобга олинган.**

**ОТА ОДОБИ**

**Болаларингизни энг ёш вақтларидан бошлаб тарбия қилинг, уларнинг поксоф кўнгилларига гўзал хулқ уруғларини сочинг. Одамгарчилик ва эзгуликнинг қандай эканини билдиринг. Хулқига қараб бироз юмшоқлик ва вақтига қараб бироз қаттиқлик кўрсатинг.**

**Болаларингизни уриб, беҳуда сўзлар айтиб кўнгилларини ранжитманг, уларнинг ёнида бошқалар ҳақида ҳақоратли сўзлар сўзламанг. Агар болаларингизнинг бир киши ҳақида ёмон сўз айтганини эшитсангиз, албатта ман қилингиз, сўкишга ўрганмасинлар.**

**Бу дунёда одамларнинг қадр-қимматлари фақат ғайрат ва матонатларига боғлиқ эканини, ҳар ким ўз ишини ўзи қилиши керак эканини болаларингизга англатинг. Ялқовлик, киши кучидан фойдаланишнинг ёмон эканини уларга уқтиринг.**

**Болаларингизга фойдали мақсадларни ҳосил қилиш учун ёрдам беринг. Мумкин бўлса бу йўлда пул қизғанманг.**

**Болаларингиз учун мол йиғиб асраб юрмасдан мол-дунёингизни уларнинг тарбиялари, илм-ҳунар эгаси бўлишлари йўлига сарф қилинг. Тамом бўлмайдиган мерос гўзал тарбия эканини тушунинг.**

**Болаларингизнинг ҳаммасини бирдек кўринг. Ҳадя берганингизда ҳаммасига бир текис беринг. Биттасига яширинча бир нарсани бериб: "Мана ол, ака-укаларинг билмасин", деб айтманг, чунки бундай қилиш болани жабр, зулм, алдаш, хиёнат қилишга ўргатади. Унинг кўнглига бахиллик, фақат ўзининг фойдасинигина кўзлаш каби бузуқлик уруғларини сочади.**

**Каттароқ бўлганларида ўз ишларингиз, ҳунарларингизни ўргатинг, маишат қоидаларини билдиринг. Улар жамиятнинг фойдали аъзоси бўлиб етишсинлар. Вақти етганда ўғилларингизни тарбияли оила қизларига уйлантирингиз.**

**Қизларингизни ҳам шундай гўзал тарбия қилинг. Вақти келганда ёш жиҳатдан ўзларига тенгдош ва тарбияли, одобли одамларга беринг. Ортиқ такаллуфли, дабдабали тўйлардан сақланинг. Ўғил, қизларингизга берган гўзал тарбиянгиз — тўйларингиздан, қолдирган меросларингиздан афзалдир.**

## КРОССВОРД

**Энига:** 1. Баҳс, дискуссия. 4. Ҳокими мутлақ (русча). 7.... Раҳимов (актёр). 8. Мусиқа ёзуви. 9. Қатъий сўз. 10. Эмиль... (фокусчи). 12. Намозни бошқарувчи домла. 13. Муҳаббат, севги. 14. Ўйламай ҳаракат қиладиган. 15. Азиз неъмат. 18. Яра боғлайдиган дока лента. 20.... Отажонов (хонанда). 23. Чидам, тўзим. 26. Тикув машинаси ғалтаги. 28. Қишлоқ хўжалик қуроли. 30. Ижтимоий бурч. 31. Ўзбекистондаги дарё. 33. Ҳинд фильми. 35. Шаклдош сўзлар. 39. Шаҳар транспорти. 41. Касал (синоним). 42. Бошоқли дон. 44. Покистон кийим-кечак фирмаси. 46. Спорт тури. 48. Еритиш асбоби. 50. Ақлни пешловчи фан. 54. Фойда, наф. 56. Яра дориси. 57. Парда Турсин романи. 59. Гуноҳкор. 61. Ҳарбий мажбуриятни ўташ. 63. "Қутлуғ қон" даги образ. 65. Эртадан кейинги кун. 67. Ўлик тил. 70. Чевар асбоби. 73. Автомобиль қисми. 75. Ер шарининг жанубий қисми. 76. Вужуд, жусса. 78. Суднинг қатъий қарори. 79. Косметик модда. 80. Касаллик тури. 81.... Турдиев (актёр). 82. Рожа рафиқаси. 83. Ўқ отиш қуроли. 84. Хоразм вилоятидаги туман.

**Бўйига:** 1. Физик заряд. 2. Нутқ сўзловчи. 3. Булбул (синоним). 4. Ёзма иш. 5. Қадимги Эрон пули. 6. Вокал асар. 9. Қовун нави. 11. Бир-бирига уйғун товушлар. 16. Пайғамбар куёви. 17. Шарм, ҳаё. 19. Тупроқ. 20. Африкадаги шаҳар. 21. Куй. 22. Танадаги асосий суюқлик. 23. Нав, хил. 24. Дарвеш. 25. Ҳужайралар бирикмаси. 27.... рози, худо рози. 29. Қатъий қарор. 30. Шинжи... (футболчи). 32. Театрдаги томошабин жойи. 34. Осмон жисмлари ҳақидаги фан. 36. Қарам мамлакат. 37. Оёқлари калта стол. 38. Синфий жамиятдан олдинги. 40. Каноп, жут, зиғирпоя пўстлоғи. 41. Даста, тутқич. 43. Шох-шаббали девор. 45. Кўп, сероб. 47. Тошкент шаҳридаги туман. 49. Андижон вилоятидаги туман. 51. Синувчан. 52. Таққослаб тасвирлаш. 53. Сут маҳсулоти. 55. Тўқима газмол. 56. Тахтанинг "дўсти". 58. Ҳаётлик даври. 60. БМТ (русча). 62. Ёз ойи. 64. Беморларни техник текшириш. 66. Орттирилган билим. 68. Таг, туб. 69. Абадий, умрбод. 70. АҚШ ва Канададаги шаршара. 71. Катта қон томири. 72. Дарахт пўстидан тайёрланган материал. 73. Тошкент вилоятидаги кўл. 74. Тарелка (шева). 76. Қон оқадиган орган. 77. Ношуд, эпсиз.

**Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ**



## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ РЎ ва ИОБнинг электрон ахборат базасида мавжуд маълумотларга кўра Яккасарой тумани, Кунаева кўчаси, 8-уй, 34-хонадонда яшовчи фуқаро Артиков Жамалиддин номига 2001 йил 1 февраль куни, 1996 йилда ишлаб чиқарилган Нексия русумли, двигатель рақами 448699, кузов рақами ULV3L31BDTA007026 "қизил" рангли бўлган автотранспорт воситаси 10 D 1652 давлат рақам белгиси берилиб AAA0087433-сонли қайд этиш гувоҳномаси билан олди-сотди шартномасига асосан рўйхатга олинган. 2013 йил 26 февраль куни ушбу давлат рақами белгиси 01K793PA давлат рақам белгисига алмаштирилиб ва AAC4087416-сонли қайд этиш гувоҳномаси билан қайта рўйхатга олинган.

**Корхона ва ташкилотлар диққатига!**

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиалига иситиш ва совитиш тизими ўрнатилаётганлиги сабабли Чиллер тизими сотиб олиш учун корхона ва ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц-мавзеси, Меҳр кўчаси. Телефонлар: 276-55-82.

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун ичида қабул қилинади.

Тошкент ш., Учтепа тумани, Янги Лабзак кўчаси (аввалги Н.Ходжаев кўчаси), 169-уй эгаси Алимов Бахрам Батирович номига туман кадастр хизмати томонидан берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **9 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли бор. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 1 даража совуқ – 1 даража илиқ, кундузи – 9-11 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **9 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г-2 46

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2358 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 17:30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ